

Муштарий ИСАЕВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика кафедраси
ўқитувчиси

ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МЕТОДИКАЛАР ТАВСИФИ

ХАРАКТЕРИСТИКА СОЦИАЛЬНО- ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ МЕТОДИК ПО ИЗУЧЕНИЮ СУПРУЖЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ

CHARACTERISTICS OF SOCIO- PSYCHOLOGICAL METHODS FOR THE STUDY OF MARITAL RELATIONS

Аннотация: Мақолада эр-хотин муносабатлари ва уларни психологик жиҳатдан тадқиқ этиш масалалари кўриб чиқилади. Оилавий муносабатлар психодиагностикасида оиланинг ички муҳитини, муаммоли вазиятлар юзага келишига олиб келувчи яширин психологик сабаб ва қонуниятларни очишга имкон берувчи методикалар таҳлили келтирилади. Эксперт тизими асосида психодиагностика тизимини яратиш жараёнининг босқичлари, шунингдек, оила диагностикасида қўйилган мақсадга эришиш учун муҳим аҳамиятга эга вазифалар ёритилади.

Калит сўзлар: оила, эр-хотин муносабатлари, оилавий қадриятлар, оилавий роллар, оила диагностикаси, психодиагностика тизими, методика.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы супружеских отношений и их психологического исследования. В психодиагностике семейных отношений представлен анализ внутренней среды семьи, методы, позволяющие выявить скрытые психологические причины и закономерности, приводящие к возникновению проблемных ситуаций. На основе экспертной системы освещаются этапы процесса создания психодиагностической системы, а также важные задачи для достижения поставленной цели в семейной диагностике.

Ключевые слова: семья, семейные отношения, семейные ценности, семейные роли, семейная

диагностика, психодиагностическая система, методика.

Abstract: The article deals with the issues of marital relations and psychological research. In the psychodiagnostic of family relations and analysis of the internal environment of the family, methods that allow identifying hidden psychological causes and patterns that lead to the occurrence of problem situations are presented. Based on the expert system, the stages of the process of creating a psychodiagnostic system are highlighted, as well as important tasks for achieving this goal in family diagnostics.

Keywords: family, couple relationships, family values, family roles, family diagnostics, psychodiagnostic system, method.

Бой илмий-амалий меросимиз, қадимий урф-одат ҳамда анъаналаримиздан аёнки, ҳар қандай замон ва маконда ҳам оила биз учун муқаддас қадрият саналган. Бинобарин, тарбиявий, маънавий-маърифий, руҳий-ахлоқий, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик ҳисобланмиш оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик тараққий этишини аждодларимиз жуда яхши англашган.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Ўзбекистон ўз истиқболи ва келажагини оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани анъанавий қадриятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Замонавий психологиядаги энг долзарб ва перспектив йўналишлардан бири оила ва унда содир бўладиган ўзаришларни ўрганишдан иборат тадқиқотлар ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг мазкур муаммога бўлган қизиқиши замонавий оилалар ҳаётида содир бўлаётган инқирозли вазиятлар ва уларнинг жамиятнинг бошқа соҳаларига кўрсатаётган таъсири билан шартланади. Ҳозирги кунда ёшлар орасида никоҳ ва оила ҳақидаги тасаввурлар, оиладаги ролларнинг тақсимланиши маълум бир ўзгаришларга учрамоқда. Оилавий қадриятларнинг трансформацияси юз бериб, оилавий ажримлар, никоҳ олди туғилишлар ва нотўлиқ оилалар сонининг ортишига олиб келмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва муаммога ечим топишда психологик ёрдамнинг

аҳамияти каттадир. Оилаларга психологик ёрдам кўрсатишда энг долзарб ва муҳим масалалардан бири – бу тўғри психологик диагностикани амалга оширишдир.

Оилавий муносабатлар диагностикаси оилавий муаммоларни ечишда самарали йўл ва усулларни аниқлашга ёрдам беради. Бунда кўпинча оиланинг ички муҳитини, муаммоли вазиятлар юзага келишига олиб келувчи яширин психологик сабаб ва қонуниятларни очишга имкон берувчи тест методикалардан фойдаланилади.

Бугунги кунда психологияда никоҳ-оила муносабатларини аниқлашга қаратилган бир қатор методикалар мавжуддир. Лекин шунга қарамай, оилавий консультация соҳасидаги энг нозик масала мижознинг оила-никоҳ муносабатлари тўғрисида тўлиқ, аниқ ва объектив маълумот ола билишдир. Диагнознинг аниқ қўйилиши, коррекцион ишнинг йўналишини ва методларни тўғри танлаш, ҳамда кўрсатилаётган ёрдамнинг самараси айнан шу маълумотга боғлиқ бўлади.

Эксперт тизимини ишлаб чиқиш тажрибаси кўрсатишича, психодиагностика тизимини яратиш жараёнини 5 босқичга ажратиш мумкин[13]:

1. Муаммони идентификация қилиш – бу босқичда вазифа аниқлаштириб олинади, муаммога оид билимлар манбаси топилади (китоблар, мутахассислардан олинган маълумот, методикалар).

2. Концептуализация – бу босқичда олинган билимлар тизими шакллантирилади: асосий тушунчалар рўйхати тузилади, тушунчалар орасидаги боғлиқликлар, мантикий ҳукмлар ишлаб чиқилади. Концептуализация босқичи вазифаси билимларни норасмий тарзда тавсифлаш бўлиб, бунда асосий концепциялар ва тушунчалар ўртасида ўзаро боғлиқликлар графиклар, жадваллар, диаграммалар кўринишида келтирилади.

3. Формализация – бунда ўрганилаётган соҳа концепциялари шакллантирилади, мантикий методлар ва самарали моделлар танланади.

4. Реализация – эксперт тайёрланган ва шакллантирилган билимлар базасини тузиш учун ўзига хос махсус маҳсулот бўлиши керак. бу босқичнинг асосий вазифаси инструментал воситалар орқали дастурий мажмуа ишлаб чиқишдан иборатдир.

5. Тест ўтказиш – яратилган эксперт тизимининг ишлашини, ҳаётий талабларга жавоб беришини текшириш учун ҳамда олдинги босқичларда йўл қўйилган хатоларни аниқлаш учун қўлланилади.

Оила диагностикаси – оила тизимини баҳолаш бўлиб, оила аъзоларида юз бериши мумкин бўлган соматик ёки невротик бузилишларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради. Бунда диагностиканинг турли усуллар мавжуд: проектив, бланкли, ўйинли ва ҳк. Оила терапиясида ҳам турли йўналишлар мавжуд бўлиб (стратегик, структурали, динамик, ҳулқий ва ҳк.), уларнинг ҳар бири оила диагностикаси бўйича ўз услубларига эга.

Оила диагностикасида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эгадир:

- оилавий муносабатлар муаммосининг замонавий илмий ва оммабоп адабиётлардаги ҳолатини кўриб чиқиш;

- никоҳ-оила муносабатлари диагностикаси методикаларини аниқлаштириш;

- таклиф этилган методикаларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини, амалий аҳамиятини кўрсатиб бериш;

- оилавий муносабатлар бўйича тадқиқотнинг нима мақсадда ва қандай ўтказилишини психодиагностик методикаларни қўллаган ҳолда ёритиб бериш.

Оилавий муносабатлар феноменини ўрганиш учун психологлар қуйидаги методикаларни тавсия этишади: РОП, ПЭА, “Низолар” сўровномалари, шунингдек, оилавий муносабатлар тести (FBT) ва Т.Лири тести.

Маълумки, кўпгина методикалар оилавий муносабатлар ҳамда эр-хотиннинг оиладаги ролларини ўрганишга қаратилган бўлиб, унда ўзаро кутилмалар ва интилишлар кўрсатилади. Бундай методикалардан бири сифатида Н.В.Волкованинг “Оиладаги ролли кутилмалар ва интилишлар” (РОП) методикасини олиш мумкин. Мазкур методикада бир қатор оилавий кадрятлар келтирилган бўлиб, эр-хотиннинг ушбу кадрятлар тизимига муносабати, яъни уларни амалга оширишдаги интилишлари ва турмуш ўртоғидан кутиши даражалари аниқланади ва ўзаро солиштирилади. Методиканинг мақсади:

1. Оилавий ҳаётда эр-хотиннинг умумий шахс хусусиятлари, ота-оналик мажбуриятлари,

жинсий муносабат, ҳар бирининг касбий қизиқишлари, кундалик ҳўжалик юритиш, ахлокий ва эмоционал қўллаб-қувватлаш, жуфтининг ташқи жозибадорлиги тўғрисида эр-хотинларнинг тасаввурларини аниқлаштиришдан иборат. Бу кўрсаткичлар оиланинг асосий функцияларини акс эттириш билан бирга оилавий кадриятлар шкаласини (ОҚШ) ташкил этади.

2. Эр-хотинларнинг оилада эркак ва аёл ролларини тақсимлаш ҳақидаги тасаввурларини аниқлашдан иборат бўлиб, ролли кутилмалар ва интилишлар шкаласида (РКИШ) акс этади.

Шундай қилиб, мазкур методиканинг натижалари эр ва хотиннинг оилавий кадриятлари иерархиясини аниқлашга, шунингдек, оилада эр-хотиннинг ижтимоий-психологик мослиги тўғрисида хулоса чиқаришга ёрдам беради. “Оиладаги ролли кутилмалар ва интилишлар” методикаси икки вариант (эркаклар ва аёллар учун) ва ҳар бирида 36 та таъкиддан иборат бўлиб, 7 та шкаладан ташкил топган. Эр-хотинларга ўзларига тақдим этиладиган сўровнома матни билан мустақил равишда танишиб чиқиш ва таъкидларга муносабатини берилган 4 вариантдан, яъни «тўлиқ қўшиламан», «умуман тўғри», «унчалик тўғри эмас», «нотўғри»дан бирини танлаган ҳолда жавоб бериш сўралади.

Юқорида таъкидланганидек, методика оиладаги ролли кутилмалар ва интилишларни аниқлашга қаратилган бўлиб, бунда ролли кутилма – оиладаги мажбуриятларни турмуш ўртоғи бажаришини кутиш билан боғлиқ эр-хотиннинг установаки бўлса, ролли интилиш – оилавий ролларни бажаришда шахсий тайёрлик ҳисобланади.

Методикада қуйидаги 7 та оилавий кадрият аниқланади [14:35-36]:

1. Жинсий муносабатлар (ЖМ) – турмушда жинсий муносабатларнинг аҳамиятини белгилаб берувчи шкала. Мазкур шкала бўйича баллар юқори бўлса, эр/хотиннинг фикрича, оилавий бахт жинсий ҳаётга боғлиқ бўлиб, турмуш ўртоғига муносабати унинг жинсий партнер сифатида оладиган баҳосига асосланади. Қуйи баллар эса никоҳда жинсий муносабатлар етарлича баҳоланмаслиги билан қайд этилади.

2. Эр-хотинларнинг шахс сифатида мослиги (ЭХШМ) – эр/хотин ўз шахсини турмуш ўртоғи билан идентификация қилиш установакини ифодаловчи шкала: қизиқишлар,

эхтиёжлар, кадриятлар ориентацияси, вақт ўтказиш усулларида умумийликни кутиш. Қуйи баллар эса шахсий автономияга бўлган установаки намоён этади.

3. Маиший-ҳўжалик юритиш (МХЮ) – турмуш ўртоқларнинг кундалик ҳўжалик ишларни амалга оширишдаги установакиларини аниқлашга қаратилган шкала. Бу шкала бошқалари сингари 2 та кўринишга, яъни “ролли кутилмалар” ва “ролли интилишлар”га эгадир. “Ролли кутилмалар” – қўйилган баллар орқали шахс турмуш ўртоғидан ҳўжалик ишларини бажаришда фаол бўлишини хошлаш даражасини аниқлаш мумкин. Балл қанчалик юқори бўлса, эр/хотин ҳўжалик ишларида турмуш ўртоғига шунчалик юқори талаблар қўйишини кўрсатади. “Ролли интилишлар” шахснинг уй-ҳўжалик ишларида ўзи фаол иштирок этишига бўлган установакини акс эттиради. Шкала бўйича йиғилган умумий балл оиладаги ҳўжалик ишларини ташкиллаштиришнинг аҳамиятини эр/хотин томонидан баҳоланишини билдиради.

4. Ота-она тарбиячилик функцияси (ОАТФ) – эр-хотин ўзининг ота-оналик мажбуриятларига муносабатини ифодаловчи шкала. Бунда ролли кутилма эр/хотиннинг турмуш ўртоғидан ота-оналик ролини фаол бажаришини кутишга бўлган установакини билдиради. Ролли интилишлар бўлса, эр/хотин ўзининг ота-оналик вазифасини фаол бажаришга бўлган интилишини ифодалайди. Умумий балл эса эр ва хотин учун ота-оналик функциясининг нақадар аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Балл қанчалик юқори бўлса, эр/хотиннинг ота/она ролига эътибори кучли эканлигини, улар учун ота-оналик асосий кадрият эканлигини намоён этади.

5. Ижтимоий фаоллик (ИФ) – никоҳ-оила муносабатлари барқарорлигида ташқи ижтимоий фаолликнинг (касбий, жамоат ишлари) аҳамиятига йўналганликни ифодаловчи шкала. Ролли кутилмалар эр/хотиннинг турмуш ўртоғи жиддий касбий қизиқишларга эга бўлиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши керак деб ҳисоблашини кўрсатса, ролли интилишлар эса эр/хотиннинг ўз касбий эҳтиёжларини ифодалайди. Мазкур шкаладаги умумий балл эр/хотиннинг ўзаро муносабатларида оиладан ташқари қизиқишларининг муҳимлилик даражасини кўрсатади.

6. Эмоционал-психотерапевтик (ЭП) – никоҳнинг эмоционал-психотерапевтик

функцияси аҳамиятини кўрсатиб берувчи шкала. Ролли кутилмалар шкаласи эр/хотин турмуш ўртоғи оилавий масалаларда, яъни оиланинг психологик муҳити коррекцияси, маънан ва эмоционал қўллаб-қувватлаш, “психотерапевтик атмосфера” яратишни ўз қўлига олишини кутиш билан боғлиқ ориентацияси даражасини ўлчайди. Ролли интилишларда эса эр/хотин оиланинг “психотерапевти” бўлишга интилишини кўрсатади. Умумий балл эр/хотин учун оила аъзолари бир-бирини ҳам маънан, ҳам эмоционал жиҳатдан қўллаб-қувватлашининг муҳимлиги, никоҳга психологик тикланиш ва барқарорлик муҳитини яратувчи маскан сифатида қарашларини англатади.

7. Ташқи жозибадорлик (ТЖ) – эр/хотин ташқи кўринишга эътибор қаратишини англатувчи шкала. Ролли кутилмалар эр/хотин турмуш ўртоғининг жозибадор ташқи кўринишга эга бўлишини билдирса, ролли интилишлар эр/хотин ўз ташқи кўриниши устида ишлаши, чиройли ва модага қараб кийинишга интилишини англатади. Умумий балл эр/хотин замонавий ташқи кўринишга эга бўлишга йўналганлигини ифодалайди.

Бундан ташқари, А.Н.Волкова томонидан ишлаб чиқилган ПЭА сўровномаси бўлиб, бу методика уч феноменни: партнерини тушуниш, эмоционал жозибадорлик ҳамда турмуш ўртоғига нисбатан ҳурматни диагностика қилишга ёрдам беради [14:14-15]. Методиканинг ҳар бир шкаласи 15 та саволдан иборат. Тушуниш шкаласи миқдорнинг назарида турмуш ўртоғининг образи қай даражада шаклланилишини аниқлашга ёрдам беради. Эмоционал жозибадорлик проектив саволлар орқали аниқланиб, турмуш ўртоғига нисбатан ҳиссий муносабатларини кўрсатиб беради. Ҳурмат шкаласи эса турмуш ўртоғининг кўзида унинг обрўси, аҳамияти ва референтлиги ҳақида ҳулоса чиқаришга ёрдам беради.

Т.Лири тести идеал турмуш ўртоқ образини ўзаро қандай тушунишларини диагностика қилишда фойдаланилади.

FBT – оилавий муносабатлар тести – проектив техника бўлиб, биринчи марта 1936 йилда Ховельс ва Ликориш томонидан тавсифланган. Унда 40 та суратдан иборат тўплам бўлиб, оила аъзолари ўртасидаги турли муносабатлар тасвирланган. Тест шахснинг оила аъзоларига бўлган муносабати ҳақида маълумот олишга қаратилган [12].

Психологларнинг фикрича, соғлом психологик барқарор муҳитга эга бўлган оилани қуйидагича тавсифлаш мумкин: оилавий қадриятларнинг ўхшашлиги, ролларнинг юқори адекватлиги, ҳаётнинг турли жабҳаларида низоларнинг кам бўлиши, бир-бирига ҳурматнинг баландлиги ва эмоционал ёқимлилиги. Мазкур формула 1982 йилда ишлаб чиқилган.

Кейинчалик мукамалроқ тизимлаштирилган вазифаларни бажаришга мўлжалланган экспериментлар янада кенг тарқалди. Мисол учун, эр-хотин алоқаларини тадқиқ этишда Роршах тести, ТАТ, Векслер тести каби шахс методикаларининг стандартлашган стимул материалларидан фойдаланилмоқда.

Оилавий муносабатларни аниқлашда қўлланиладиган яна бир методика “Никоҳдан қониққанлик даражасини аниқлаш” сўровномаси ҳисобланади. Мазкур сўровнома В.В. Столин, Т.Л. Романова, Г.П. Бутенколар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, шахснинг никоҳдан қониққан ёки қониқмаганлик даражасини экспресс-диагностика қилишга қаратилган.

Сўровнома бир шкаладан иборат бўлиб, шахснинг ўзини ва турмуш ўртоғини идрок қилиши, фикр-ғоялари, баҳолари, установакаларига боғлиқ 24 та ҳукмдан ташкил топган. Ҳар бир тасдиққа 3 та вариантдан иборат жавоблар берилган: а) тўғри; б) жавоб беришга қийналаман; в) нотўғри.

Оилавий муносабатларни ўрганишга қаратилган яна бир методика сифатида 1987 йилда А.К.Алешина, Л. Я. Гозман, Е. М. Дубовскаялар томонидан ишлаб чиқилган “Оиладаги роллар тақсимооти” тест-сўровномасини олиш мумкин [2]. Методика 21 саволдан иборат бўлиб, оилада эр-хотин ролларининг тақсимланишини аниқлашга қаратилган. Унда замонавий оилани тавсифлайдиган 7 та асосий оила ичидаги роллар ажратилган.

1. Болалар тарбияси (БТ).
2. Оиладаги эмоционал муҳит (ОЭМ).
3. Оилани моддий таъминлашга масъул (МТ).
4. Кўнгилочар машғулотларни ташкиллаштириш (КМТ).
5. “Ҳўжайин” – “Бека” ролларининг тақсимланиши (Ҳ-Б).
6. Жинсий партнер (ЖП).
7. Оилавий субмаданиятни ташкиллаштириш (ОСТ).

Ҳозирги кунда ёшлар орасида никоҳ ва оила ҳақидаги тасаввурлар, оиладаги ролларнинг тақсимланиши маълум бир ўзгаришларга учрамоқда. Оилавий қадриятларнинг трансформацияси юз бериб, оилавий ажримлар, никоҳ олди туғилишлар ва нотўлиқ оилалар сонининг ортишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу муаммони ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу борада амалга оширилган илмий ишлар, тадқиқотлар орқали шу кунгача оилавий муносабатларни ўрганишга ва диагностика қилишга мўлжалланган бир қатор методикалар яратилганини кўришимиз мумкин. Албатта, бу методикалар оилавий муносабатларда юзага келадиган турли келишмовчиликлар, низолар, муаммоларни ва ҳатто шуларнинг оқибатида содир бўладиган ажримларни тўхтатишга қодир дея олмаимиз. Лекин уларнинг ёрдамида мазкур муаммоларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаб, маълум бир профилактик ишларни амалга оширишимиз ва содир бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдини олишимиз мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Оилага психологик ёрдам кўрсатишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири эр-хотинлар онгида ўрнашиб олган установкаларни ўзгартириш бўлиб, ҳаётини вазиятларга муносиб тарзда жавоб қайтариш усуллари ўргатишдан иборат, шу жумладан, турмуш ўртоғига бўлган муносабатларда ҳам. Эр-хотинларга асосан низоли вазиятларнинг табиати ва моҳиятини тушунтириш, уларни конструктив ҳал қилишнинг усуллари ва йўллари кўрсатиб бериш керак. Шундай ҳаётини муаммолар бўладик, уларни ҳал қилишнинг иложиси бўлмайди. Бундай вазиятларда уларга нисбатан қарашни ўзгартириш, ёқимсиз тарафларини биров юмшатқан ҳолда янгидан психологик идрок этишни ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хориж ва юртимиз психологлари томонидан никоҳ-оила муносабатлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар орқали шундай ҳулосага келиш мумкин-ки, инсонларни мажбурлаб бахтли қилиб бўлмайди, лекин мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва апробациядан ўтказилган психодиагностик методикалар ёрдамида, комплекс ёндашув асосида никоҳ-оила муносабатларини ўрганишни профессионал ташкиллаштириш ва консултиватив кўмак бериш дарз кетган оилавий муносабатларни тузатишга маълум даражада ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Акрамова Ф.А. Ёшларни оилага тайёрлашнинг асосий омиллари ва уларнинг психологик хусусиятлари // *Замонавий таълим*. 2015, 10. Б. 45-52.
2. Алешина Ю.Е., Гозман Л.Я. Дубовская Е.М. Социально-психологические методы исследования супружеских отношений. Спецпрактикум по социальной психологии. - М.: МГУ, 1987. - 126с.
3. Волкова А.Н. Диагностика супружеских отношений / А.Н. Волкова // *Вопросы психологии*. – 2009, №5. С.20-21.
4. Давлетшин М.Г. Оиладаги низолар психологияси ва унинг бартараф этиш йўллари. Ўзбекистоннинг этнопсихологик муаммолари. Респ.илм. амал. анж.маъруз. қисқача баёни. -Т., 1993. Б. 33-34.
5. Думаров М.Х. Оила психологияси. Маъруза матни // *Педагогика ва психология таълим йўналиши талабалари учун*. АДУ, - 44 б.
6. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. Ўқув қўлланма. –Т., 2006. - 142б.
7. Каримова В.М. Оила психологияси. Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. –Т: “Fan va texnologiya”, 2008. – 170 б.
8. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. Ўқув қўлланма. –Т., 2006. - 142б.
9. Каримова В.М. Оила психологияси. Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. –Т: “Fan va texnologiya”, 2008. – 170 б.
10. Расулова З.А. Ўзбекларда оила-никоҳ аъналарининг ижтимоий ва этник психологияси // *Психол.фан.док.диссер. автореферати*. – Т. 2018.
11. Соғинов Н.А., Шоумаров Ф.Б. Ўзбек оилаларида ажралиш ва унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари. // *Респ. илм. амал. анж. маър. қисқ. баёни*. - Т., 1993. - 49 б.
12. Специализированные психологические методики диагностики внутрисемейных отношений. <http://www.psworks.ru>
13. Трофимова И.Н. “Прогнозирование поведения человека как задача экспертной психодиагностической системы” / “Вопросы психологии”, 1994, №3.
14. Чалов В.Н., Белялова М.А., Мороз В.А. Диагностика супружеских отношений. Метод. пособие. Краснодар, 2016. - 198 с.
15. Шоумаров Ф.Б. Оила психологияси. (Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма). / Ф.Б. Шоумаров таҳрири остида. - Т.: «Шарк», 2008. - 296 б.
16. Ibrakhimov, A. (2020). Misinformation as a method of psychological influence of information (based on modern foreign research). *The Light of Islam*, 2020(3), 183-192.